**Ислом КАРИМОВ:**

**Бухоро эзгулик шаҳри — қадимги аждодларимиз уни шундай аташган. Жаҳон маданиятининг ёрқин ва қадимий ўчоғи бўлган бу шаҳарни биз авлодлар ҳам шундай атаймиз. Бу ерда асрлар давомида ноёб маданият вужудга келди, улуғ заковат соҳиблари таваллуд топиб, ижод қилдилар, тарихда ўчмас из қолдирдилар.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Бухоро

# «ИҚБОЛГА ЁР БУ ЮРТНИНГ ШОНИ КЕМТИК БЎЛМАГАЙ...»

### Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси Бибиражаб МУҲАМЕДОВА билан мулоқот

(Боши 1-бетда)

Вилоятда юридик мақомга эга корхона ва ташкилотларнинг 12602 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 331 минг нафардан зиёд ишчи-ходимнинг манфаати қамраб олинган ва қонун доирасида ҳимояланган. Қабул қилинган жамоа шартномаларида 40 тадан банд киритилиб, уларнинг 91 фоизи бажарилиши таъминланмоқда. Имзоланаётган жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан назорат кучаяётгани нафақат ходимлар, балки иш берувчиларда ҳам масъулият ҳиссини қарор топтирмоқда. Бу эса жамоа шартномаси корхонанинг асосий қўлланмаси, ҳаракат дастури, қолаверса, ишончли қонуний ҳужжатига айланиб бораётганидан далолатдир.

**— Бугунги касаба уюшма аъзоси кечагисидан фарқ қилади: озод юрт фуқароси сифатида ҳақ-ҳуқуқини билади. Қолаверса, уни ҳимоя қилаётган ташкилотлар орасида касаба уюшмаларига кўпроқ ишонади.**

— Касаба уюшма етакчиси — одамлар ташвиши билан яшашни зиммасига олган масъул шахс. Шундай экан бугунги шиддатли ривожланиш жараёнида у ўз аъзолари қувончу ташвишлари билан руҳан бедор яшамоғи,ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоғи, одамлар қалбига қулоқ тутиб, уларни эзгуликлар сари бошлаб бормоғи лозим. Шу маънода вилоятимиз касаба уюшмалари олам гултожи инсонга хизмат қилиш, уни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйишни ўзларининг асосий ишлари деб биладилар. Қолаверса, биз, севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қаҳрамонларидан бири Юсуфбек ҳожи айтганидек, «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак», деган ақида билан фаолият юритамиз. Бу эзгу ишга малакали мутахассислар, тажрибали ҳуқуқшунослар сафарбар этилган.

Фуқаролардан тушган 183 та ёзма ва 670 та оғзаки мурожаатлар кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Қонунга зид равишда ишдан бўшатилган 100 дан ортиқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари касаба уюшмалари аралашуви билан тикланди. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришда меҳнат қонунчилигининг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди.

**— Кучли касаба уюшмалари бу — бақувват, жанговар ишга қодир, одамларни ўзига эргаштира оладиган ташкилотдир. Бунга Низом талаблари, қабул қилинган қарорларни бажармасдан, ижрони назорат қилмасдан эришиб бўлмайди. Бунинг учун касаба уюшма етакчиси ҳуқуқий билимдон, ташаббускор, энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам адолатсизликка муросасиз бўлиши керак.**

— Тўғри, баъзида адолатни юзага чиқариш учун росмана курашиш, ўз нуқтаи назарини ўтказа билиш керак бўлади. Бунда ҳар бир фуқаро учун қонун қалқон бўлиб хизмат қилади. Қонун асосида иш юритиш, албатта, муваффақиятни таъминлайди.



Сир эмаски, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланади. Уни бартараф этиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Вилоят касаба уюшмалари томонидан иш ҳақини ўз вақтида тўланишга доир ҳукумат қарорларини бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва иш берувчилар олдига 166 та расмий талабномалар қўйилди. Меҳнаткашларнинг 1349,3 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига 41 расмий талабнома қўйилиб, ишчи-ходимларнинг 1084,2 миллион сўм иш ҳақи тўланишига эришилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қарздорлик масаласи 136 маротаба касаба уюшма йиғилишида кўриб чиқилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик камаймоқда. Бу борада ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш учун астойдил ишлаяпмиз.

**— Ҳар бир аёл — ўз оиласининг офтоби. Жамият эса оилалар бутунлиги, фарзандлар камоли, энг муҳими, она ва бола саломатлиги, маънавий етуклиги билан барқарор бўлади. Шундай экан касаба уюшмалари фаолиятида ҳам аёллар масаласи долзарб ҳисобланади. Тармоқ келишуви, жамоа шартномаларида аёллар ҳаёти, саломатлиги, оиласига оид қандай имтиёзлар мавжуд?**

— Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, аёл омон бўлса, оила омон, оила омон бўлса, давлат омон бўлади. Ҳар бир аёл қалбида катта қувват яшайди. Ана шу кучдан жамиятга барқарорлик, эзгулик оқиб ўтади. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосидаги ишимизнинг устувор йўналиши қаторида жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш асосий вазифа сифатида қайд этилган. Касаба уюшма хотин-қизларнинг зиммасидаги икки муҳим ижтимоий вазифа — оналик ва меҳнатни қўшиб олиб боришлари учун шароит яратиш, оилага ёрдам кўрсатиш устидан назоратни кучайтириш ва бу борадаги жамоа шартномаларида белгиланган натижаларга эришишда кўмаклашишни ўзининг жонажон иши деб билади. Гендер тенглик — аёл билан эркакларнинг бир хил ижтимоий ҳимояланганига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бошланғич касаба уюшмаларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тузилиб, шу орқали уларнинг ташкилот ишига янада кенг жалб этилиши таъминланмоқда.

Қувончли томони шундаки, вилоятдаги 1617 нафар касабақўм раисларининг 629 нафари аёллар. Жумладан, алоқа тармоғида 55,5, соғлиқни сақлашда 54, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизматда 43, давлат муассасаларида 42, таълим ва фан ходимларида 34 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу олдинги йиллардагидан бир неча баробар кўпдир.

Ҳамкорликдаги жамоа шартномаларига асосан аёлларга меҳнат фаолияти билан оналикни, жамоат ишларини қўшиб олиб боришларига имкон берадиган шароит яратиш, ҳомиладор аёлларнинг, ногирон боласи бўлган ҳамда кўп болали оналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликка риоя қилиш, уларга зарур имтиёз яратишга оид ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўплаб ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган кунлари узайтирилди. 6514 нафар кўп болали аёлнинг ойлик иш ҳақлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди, фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 1186 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. 40 та корхонада 2335 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Ушбу мақсадга 5,7 миллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, 205 нафар камқон, тиббий ёрдамга муҳтож аёл саломатлигини тиклаши учун бепул даволанди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдириш ҳамда даволанишлари учун шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида 394 нафар касаба уюшма аъзоси санаторийларда, 596 нафари эса санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Шунингдек, энг сўлим, хушманзара оромгоҳларда уларнинг фарзандлари дам олдирилмоқда. Ўтган йили ёзги соғломлаштириш мавсумида 14600 нафар бола оромгоҳларда дам олдирилиб, соғломлаштирилган бўлса, бу йил улар сони 100 нафарга кўпайди.

Хуллас, касаба уюшма тизимида амалга оширилаётган эзгу ишлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, нуронийлар билан учрашувларнинг барчаси меҳр-саховат, мурувват ва эзгуликка йўналтирилган.

# ФАРОВОНЛИК

**Мустақиллик даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сари ташланган қадам, деҳқонга берилган эркинлик, жамоа ва ширкат хўжаликлари тасарруфидаги ерларни танлов асосида қишлоқ тадбиркорларига, фермерларга бўлиб бериш жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бу каби жараёнларни вилоятимиз ҳаётида таҳлил қиладиган бўлсак, тараққиётнинг ёрқин жиҳатлари кўзга ташланади. Масалан, бундан ўн йил илгари, яъни 1997 йилда вилоятда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари сони 351 тани ташкил этган. Ўшанда 4453 нафар ишловчи 9254 тонна пахта етиштирган. Бу эса ялпи пахта салмоғининг 3,7 фоизига, гектарлар ҳосилдорлиги 22,1 центнерга тўғри келишини кўрсатади.

Ўтган йили 7234 нафар фермер пахтачилик билан шуғулланди. Улар 334615 тонналик «оқ олтин» хирмони яратдилар. Бу фаолият билан 100642 нафар ишловчи банд бўлди. Давлатга сотилган ялпи пахта хомашёсининг 88,8 фоизи мулкдорлар ҳиссасига тўғри келди.

Ёки ғаллачилик соҳасига бир назар ташлаб кўрайлик. 1998 йилда вилоятда ялпи хирмон 158736 тоннани, ширкат ва фермерлар ихтиёридаги 60 минг гектар ғаллазорнинг ўртача ҳосилдорлиги 26,4 центнерни, фойдалилик даражаси эса 1,4 фоизни ташкил этган эди.

Ўтган йилнинг якунига келиб ғалла майдонлари яна минг гектарга кўпайди. Ялпи хирмон салмоғи 336375 тоннадан ошди. Ҳар гектардан олинган ҳосил 55,1 центнерга, фойдалилик даражаси 29,4 фоизга етди. Агар 1998 йилда ғаллачиликдан 23 миллион сўм фойда олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 9 миллиард 990 миллион сўмга тенг бўлди.

Бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида фермерлар ташаббусни тўлиқ ўз қўлларига олдилар.

Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожига боғлиқлиги барчага маълум. Бунга Олий Мажлис Сенати йиғилишларида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Изчил чоралар белгиланмоқда. Мақсад — қишлоқ меҳнат аҳлининг турмуш даражасини кўтариш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жойларда замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга



Тошпўлат АҲМАД

## БУХОРОНИ СЕВАР БЎЛСАНГ...

*Бухорога кирар бўлсанг, этигингни ечиб кир,*
*Хаёлларинг шаффоф этиб, юрагингни очиб кир,*
*Ҳар гардини кўзга суриб, соф тилагинг сочиб кир,*
*Улуғларнинг руҳи сендан то абад рози бўлсин.*

*Бухорони кезар бўлсанг, иймонни ҳамроҳ айла,*
*Нигоҳларинг шуур ёксин, Қуръонни ҳамроҳ айла,*
*Қадам боссанг, гуллар қўйгин, райҳонни ҳамроҳ айла,*
*Бу саждагоҳ шаҳидларин гўрлари нурга тўлсин.*

*Бухорони севар бўлсанг, кипригинг-ла хокин ўп,*
*Меҳробларин, равоқларин, гириҳларин, тоқин ўп,*
*«Аллоҳ» сўзи нақш этилган гумбазлар хол-хатин ўп —*
*Ки бу Шариф юртнинг меҳри қалбингда*
*муҳрлансин.*

## Соғлом авлод — юрт кўрки

**Жондор — кураги ерга тегмаган полвонлар юрти. Бу замин спортчиларининг довруғи нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларда ҳам маълум ва машҳур. Аммо истиқлолга эришгунга қадар бу ҳудудда арзигулик бирорта спорт иншооти йўқ эди. Полвонлар асосан тўйларда ўз маҳоратларини намойиш этишарди.**

# ЧИНОРЛАР ИЛДИЗИДАН ЧИНОРЛАР КЎКАРАДИ

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан сўнг, ёшлар кўкрагига шамол тегди. Аввал Пўлоти қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Дўққи қишлоғида болалар спорт мажмуаси қурилди. Қишлоқ кўчаларини чангитиб юрган болакайлар эндиликда бўш вақтларини ушбу спорт кошонасида ўтказишмоқда.

Орадан бир йил ўтиб, «Гулистон» ширкат хўжалиги клуби қайта таъмирланиб, «Охших» спорт мажмуасига айлантирилди. 2005 йилда Сепата қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ташландиқ бино мукаммал таъмирланиб, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ихтиёрига берилди. Шунингдек, Бўстон қишлоғида Амир Темур номли наслчилик ширкати чўпонларининг фарзандлари учун яна бир мажмуа барпо этилди. Ўтган йили қуриб, фойдаланишга топширилган «Истиқлол» болалар спорт мажмуаси чинакам маҳорат мактабига айланди. 40 нафардан ортиқ кам таъминланган оила фарзандларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт формаси, турли анжомлар олиб берилди. Ушбу замонавий мажмуада спортнинг 14 тури бўйича шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган.

Бугун туманнинг қайси гўшасига борманг, энг яхши ва энг кўркам бинолар спорт кошоналари эканлигига гувоҳ бўласиз. Жондорликлар ҳар йили биттадан ана шундай спорт мажмуини барпо этишга аҳд қилишган.

Яхшилик яхшиликдан қувватланганидек, жондорлик ёш спортчилар бундай ғамхўрлик ва юксак эътиборга жавобан вилоят, республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Донолар айтганидек, чинорлар илдизидан чинорлар кўкармоқда.

**Р. РАҲИМОВА**

## Саломатлик масканларида

# «ИССИҚ СУВ»ГА БИР КЕЛИНГ

**Гарчи Бухорода тоғ ва ўрмонлар, катта дарёлар бўлмаса-да, мўъжизаларга бой шифобахш масканлар кўп. Вилоятнинг ана шундай сўлим ва хушҳаво гўшаларидан бири — «Иссиқ сув» масъулияти чекланган жамият физиотерапия шифохонасидир.**

У 1200 метр чуқурликдан чиққан маъданли сув ёнида ташкил этилган бўлиб, таркибида инсон организми учун зарур микроэлементлар — натрий, калий, кальций, магний гидрокарбонат, карбонат сульфат, хлор мавжуд. Шунингдек, кремний кислотаси ва радон беморлар дардига даво топишда катта аҳамиятга эга.



Бу ерда асосан ошқозон-ичак, жигар ва ўт йўлларининг сурункали хасталиклари (тошли ҳолатлардан ташқари), остеохондроз, травматик артрит, полиартрит, бурсит бўғимлар контрактураси, асаб (марказий ва переферик асаб системаси) касалликларидан неврит, радикулит, дискоген радикулит, диск грижаси, плексит, бепуштлик ва бошқа гинекологик, сийдик чиқариш ва жинсий аъзолар, тери хасталиклари, болалардаги барча сурункали касалликлар, кечқурун сийдикни ушлай олмаслик, церебрал фалаж каби хасталиклар муваффақиятли даволанмоқда.

Маъданли сувдан ичган беморларда ошқозон-ичак касалликларидан фориғ бўлиш, буйракда тўпланиб қолган тузлар ва кичкина тошларнинг тушиши кузатилади.

Шифохонамизда йил сайин тиббий асбобларнинг янгиланишига, шарт-шароитларнинг яхшиланишига эътибор оширилмоқда. Жумладан, сув билан даволаш бўлимида галерея қурилиб ишга туширилди.

Диск грижаси билан даволанувчи беморлар сони кўпаяётгани боис яна битта махсус сув остида умуртқа поғоналарини тош осиб тортиш учун мўлжалланган ванна қурилди. Сув ва лой билан даволаш бўлими капитал таъмирланди.

Бугун шифохонамиз довруғи хорижга ҳам етиб борган, десак муболаға бўлмас. Ўтган йили бир гуруҳ россияликлар ҳам муолажаларимиздан мамнун бўлиб кетишди.

Малакали саломатлик посбонлари — врачлар М.Воҳидова, Г.Хўжаева, Д.Баротова, Х.Исмоилов, М.Рўзиева, ҳамширалар Н.Тўлаева, Р.Қўчқорова, С.Бобоева, А.Султонова, Х.Аҳмедова, Д.Исматова ва бошқалар хизматидан даволанувчилар ҳамиша миннатдор.

Бозор шароитида ҳамма нарса талабга қараб, деган аниқ қоида мавжуд. Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда шифохона ўринларини кўпайтириш мақсадида келгусида оилавий даволанувчилар учун коттежлар қуришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, халқимизни тоза, соғлиқ учун фойдали бўлган маъданли сувимиз билан таъминлашни кўзлаб, ҳудудимиздан чиқаётган шифобахш об-ҳаётни замонавий технология асосида қадоқлаш устида иш олиб бораяпмиз.

**Абдураҳмон БАРОТОВ,**
**«Иссиқ сув» МЧЖ физиотерапия шифохонаси бош врачи, олий тоифали шифокор**

# БИЗ СИЗДАН ДАВО ТОПДИК...

## Дил изҳори

**Бошидан ўтказган табиб деганларидек, жонинг оғриб, шифокорларга ишинг тушганда, уларнинг қадрига етаркансан киши. Яқинда бехос қон босимим ошиб, Бухоро вилоят шошилинч тиббий ёрдам Марказида ётиб даволандим. Бу ердаги қўли енгил, тили ширин, меҳрибон шифокорларнинг меҳридан, шифобахш қўлларидан дардимга даво топдим.**

**Марказда яратилган шарт-шароитлар, замонавий тиббий муолажалар, шифокорларнинг билимдонлиги ва бағрикенглигини айтмайсизми? Бу эзгу ишлар замирида Марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Маъмур Абдураҳмоновнинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги ўз аксини топган.**

**Айниқса, мен даволанган реабилитация бўлимида қатъий интизом ўрнатилган бўлиб, шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатлари беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга, тўғри ташхис қўйишга, касалликнинг олдини олишга қаратилган. Ана шундай қалби дарё шифокорлар бор экан, элдошларимиз саломатлиги ҳаётбахш қўлларда эканлигига ишончинг ортади.**

**Нургул РАҲМОНОВА,**
**ўқитувчи**

## Миллий қадрият

# ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

***Она шаҳримиз азалдан қўлигул ҳунармандлари, зардўз чеварлари билан оламга машҳур бўлиб, бу соҳада ўзига хос мактаб яратган, десак асло муболаға эмас. Мана шу асрий анъаналар бугун ҳам зардўзлик, тўқимачилик, тикувчилик тармоқларида давом этмоқда.***

***Машҳур зардўз Муяссар Темирова ҳамда моҳир тўқувчи Мартия Раҳматоваларнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлганлиги Бухоро енгил саноати ходимлари меҳнатига берилган муносиб баҳодир.***



Дунёга машҳур бўлган ягона зардўзлик фабрикасининг ташкил этилганига 77 йил тўлди. Зардўзлик ҳунари тарихи археологик маълумотларга кўра, қадим-қадимларга бориб тақалади.

Икки минг йил илгари ҳам авлодларимиз зардўзлик билан шуғулланганлар. «Болалик тепа», «Варахша», «Афросиёб» сарой деворларидаги VI-VIII асрларга тааллуқли расмларда одамлар зар тўн, чопонда тасвирланган. XIX асрнинг охирига келиб қадимий санъат фақатгина Бухоро амири саройидагина сақланиб, бу ерда 300-350 нафар эркак зардўз усталар ишлаган. Зардўзлик усталари турли нақшлар ва безакларни ижод қилиб, улар билан кийим-кечакларни безаганлар. Зардўзлик ҳунари бугунги кунга қадар авлоддан авлодга, отадан болага мерос бўлиб келган.

Ушбу зардўзлик, патдўзлик ҳунарига умрларини бахшида қилган Нўъмон Аминов, Раҳмат Мирзаев, Сайфиддин Саъдуллаев, Махсума Аҳмедова, Нурмат Султонов, Раҳима Қўлдошева, Шамсия Ғаниева, Тамара Ғайбуллаева, Тошжон Ҳусенова, Маҳбуба Тўраева каби ўз касбининг усталари кўплаб умидли шогирдларни етиштирдилар.

Корхона зардўзлари қадимий анъаналарга содиқ қолиш билан бирга, янги-янги нақшлар, зийнатларни излашга эътибор бермоқдалар. 2004 йил январдан бошлаб фабрика масъулияти чекланган жамиятга айланди. Бугунги замон талаблари асосида корхона заргилам, зарпардалар, зарчопон, турли хил зардан тикилган миниатюралар, сувенирлар, давлат герби, байроқлар ишлаб чиқармоқда.

Зардўзларимиз яратаётган 100 турдаги маҳсулот бирбиридан чиройли, сифатли ва ўзига хос. Ҳар бир зардўзлик маҳсулоти санъат намунаси ҳисобланади. Аммо бугунги кунда бозору хусусий дўконларда сотилаётган зардўзлик буюмлари ана шу буюк санъатни бузилишига сабаб бўлаяпти. Зардўзлик ҳам мукаммал санъат. Санъатни сохталаштириш нодонликдир.

**Лола БОТИРОВА,**
**«Заркон» масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси**

# Ижтимоий ҳимоя йилида

### Эътироф

**Нуронийлар юртимиз кўрки, хонадонларимиз файзи, катта ҳаётий тажрибалари эса ёшларга ибрат мактаби ҳисобланади. Табаррук зотларнинг дуоларидан тонгларимиз беғубор, юртимиз тинч, эл-улус омон, доно маслаҳатларидан йўлимиз равон, манзилимиз яқин.**



## ДАРЁЛАР БИТТА ЎЗАНГА БИРЛАШАДИ

Вилоятимизда Жунайд Олимов, Абдулла Музаффаров, Тельман Бақоев, Эгам Олимов, Сулаймон Юсупов, Шоимқул Яхшиев каби ўнлаб элпарвар, фидойи нуронийларимиз борки, улар Бухоронинг фахри саналади. Фидойи зотлар юрагида мустақил ватанга, меҳнаткаш, содда, самимий халқимизга буюк муҳаббат бор. Ана шу ёғду уларни қувватлантиради, куч беради, нуроний ёшда ҳам жўшқин ҳаёт сари чорлаб туради. Ёшларни ёнларига олиб улуғ курашга — мустақилликни мустаҳкамлашга отланадилар.

Отахонларнинг саъй-ҳаракати билан ташкилот ва корхоналар ривожланиш йўлида, қанча боғ-роғлар обод, хонадонлар тўкин, фарзандларимиз оқилу доно. Ўнлаб фермер хўжаликларини бошқараётган нуроний зотларнинг ғайрати ва жўшқин фаолиятини кўриб кўнглинг тоғдек кўтарилади. Ҳайратланарли томони шундаки, кўплаб уруш ва меҳнат фахрийлари Жилвон чўлининг иссиқ иқлимига қарамай, фермер хўжалиги даласига кўчиб чиқишган.

Вилоятимизда 163 нафар 100 ёшдан ошган отахону онахонлар умргузаронлик қилади. Улар бизнинг суянган тоғларимиз. Уларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида 462 нафар якка-ёлғиз қария, 1009 нафар уруш фахрийси, 11288 нафар фронт ортида меҳнат қилган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 373 нафар оила аъзолари коммунал хизмат тўловлари учун ҳар ой ёрдам пули билан таъминланадиган бўлди.

Жамғармамиз ташаббуси, вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан уруш қатнашчилари вилоят ҳудудидаги барча турдаги давлат ва йўналишлардаги автотранспортларда бепул юрадиган бўлишди. Уларга автокорхоналар, автобирлашмалар томонидан гувоҳномалар топширилди. Нуронийларга эҳтиром кўрсатилаётган барча тадбирлар касаба уюшмалари иштирокида ўтади. Негаки, нуронийларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш, улар саломатлиги учун ғамхўрлик қилиш нуфузли ташкилотнинг ҳам жонажон ишидир.

**Юсуф ҚУРБОНОВ,**
**«Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси,**
**«Эҳтиром нишони» соҳиби**

### Қишлоқ мулкдорлари

## КАЛИТИ ҚЎЛИМИЗДА

жорий этиб, ялпи маҳсулот ҳажмини янада оширишдир.

Мен ҳам шу муборак заминнинг бир фарзанди, вилоятдаги 15 минг нафар фермернинг бири сифатида юрт ободлигига, халқ фаровонлигига озми-кўпми ҳиссам қўшилаётганидан мамнунман.

Мутахассислигим бўйича чет тили ўқитувчисиман. Мактабда ёш авлодга дарс берганман. Маҳаллий ҳокимият органларида ишлаганман. Мустақилликнинг илк йилида фермерлик билан шуғуллана бошладим. Бир неча бор чет мамлакатларда бўлиб, хорижликлар билан тажриба алмашдим.

Фермерчиликни 2 гектар экин майдони, 4 бош қорамол билан бошлаган бўлсам, айни пайтда 18 гектарда пахта, 16 гектарда ғалла, 11 гектар майдонда озуқа экинлари етиштириб келаяпман, 1 гектар боғимиз, 800 гектар яйловимиз ҳам бор. Бу далаларда 42 нафар аъзомиз билан астойдил меҳнат қиламиз. Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти. Бултур пахта ҳосилдорлигини 67 центнерга, ғаллани 98 центнерга етказдик. Шартнома режасини бажарганимиздан сўнг жамоамиз ихтиёрида 90 тонна дон қолди. Тақсимот пайтида ишчилар сони эмас, балки уларнинг оила аъзолари алоҳида инобатга олинди. Қишлоғимиздаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни ҳам эсдан чиқармадик.

Яширмайман, фидокорона меҳнат ортидан катта манфаатдорлик ҳам келди. Умумий даромадимиз 56 миллион сўмни, соф фойдамиз 12 миллион сўмни, аъзоларимизнинг ўртача иш ҳақлари 95-100 минг сўмни ташкил этди. Қишлоқдаги фермер ва тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, фойдамизнинг катта қисмини ободончилик ишларига, мактаб ва боғчаларга, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга, қўшимча ишчи ўринлари яратишга йўналтираяпмиз. Элнинг дуосини олганга нима етсин, ахир.

Камтарона меҳнатларимни Юртбошимиз юқори баҳолади. 1998 йилда мени «Шуҳрат» медали билан тақдирлашди. 2001 йилда эса Оқсаройда мамлакатимиз Президенти қўлидан «Дўстлик» орденини қабул қилиб оларканман, қалбим ғурур ва ифтихорга тўлиб-тошди. Юксак мукофот нафақат мени, қанотим остида меҳнат қилаётган тўрт нафар ўғлимни, хўжалигимизнинг барча аъзоларини бунёдкорликнинг янги марралари сари бошлади.

Вилоятимиз ҳокимининг тавсияси билан жамоатчилик асосидаги чорвадор фермерлар уюшмаси раиси бўлдим. Асосий эътибор эндиликда чорва озуқаси майдонларини кенгайтириш ҳамда омухта-ем таъминотини аниқ тартибга солишга қаратилган. Ушбу масала билан жиддий шуғулланаяпмиз.

Ўйлайманки, юртимиздаги тинчлик, одамлар ўртасидаги аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳнатга онгли муносабат, жойлардаги касаба уюшмалари ролини оширган ҳолда инсонларга ғамхўрликни кучайтириб, барча эзгу ниятларимизни рўёбга чиқаради.

**Ёқуб ФАТТОЕВ,**
**Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

## МАҚСАД МУШТАРАКЛИГИ

**Бухородаги «OFS» хусусий фирмаси 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган даврда корхонани замонавийлаштириш орқали ишчи-хизматчиларга муносиб меҳнат шароити яратилди. Япония ва Германиядан энг сўнгги русумдаги тикув машиналари, Туркиядан дазмоллаш ва пресслаш дастгоҳлари келтирилди. Ана шундай замонавий ускуналар ёрдамида бугунги кунда хорижникидан қолишмайдиган эркаклар ва болалар костюм-шимлари, нимчалар, шунингдек, иссиқ кийим-кечаклар тайёрланмоқда.**

**Корхона ишчи-хизматчиларининг мақсади иқтисодиётни юксалтириш орқали фаровонликка эришишдир.**

**Ш.АБДУСАМАДОВ**

### «Пилла— 2007»

## «БУНДА ҚУРТЛАР ИПАК ТЎҚИЙДИ...»

Бухоро пиллачилигининг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади. Шу боис вилоят «Кумуш тола» ижодкорлари бобомерос тажриба ва омилкорликни замонавийлик билан уйғунлаштириб, бу соҳада йилдан-йилга катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу йил ҳам пиллакорлар 2780 тоннадан зиёд сифатли хомашё етиштирдилар. Ҳар қути пилла уруғидан олинган ҳосил ўртача 55 килограммни ташкил этди. Шаҳодат Паноева, Лола Иброҳимова, (Ромитан), Мақсад Икромова (Олот), Мукаррам Солиева, Гулчеҳра Ражабова (Вобкент) каби тажрибали пиллакорлар бу кўрсаткични 85-90 килограммга етказишди. «Хвашен-Бухоро», «Ромстар», «Ромитантола», «Бухороипаги» каби йирик буюртмачи корхоналар шартнома асосида ўзаро манфаатдорликни таъминладилар.

Касаначилик асосида ишлаш вилоят пиллачилигида янги саҳифалар очмоқда. Масалан, 2005 йилда вилоятда 2196,7 тонна пилла хомашёси тайёрлаб, 2 миллион 789,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда эса чет давлатларга маҳсулот сотиш ҳажмини 4 миллион 550,9 минг долларга етказиш кутилмоқда.

**Д. РАҲМОНОВА**

### Ёзги соғломлаштириш

## КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚҚА НИМА ЕТСИН



Жорий йилда 19 та шаҳар ташқариси ва 43 та мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда 14700 нафар ўғил-қизларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Шунинг 6120 нафари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан, қолган 8580 нафар бола эса ҳокимликлар, «Маҳалла» ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олдирилади. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлардан 70 нафар, кам таъминланган кўп болали оилалардан 600 нафар бола оромгоҳларга бепул жалб этилади. 6210 нафар шаҳар орти оромгоҳларида соғломлаштирилиши лозим бўлган болалар учун 175 миллион 908 минг сўм, 8580 нафар болаларни соғломлаштириш учун эса ҳокимликлар, «Маҳалла» ва ҳомийлар ҳисобидан 131274 минг сўм маблағ сарфланади. Оромгоҳларда 200 нафардан ортиқ етакчи ва тарбиячилар фаолият кўрсатади.

Мавсум давомида фаолият кўрсатиши режалаштирилган оромгоҳ бошлиқлари, бош етакчилари, тарбиячилари, соғлиқни сақлаш, шунингдек, «Камолот» ЁИҲ ходимлари, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази масъул вакиллари иштирокида кўргазмали семинар ўтказилиб, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича топшириқлар ва услубий қўлланмалар берилди. Барча оромгоҳ бошлиқлари вилоят комиссияси томонидан суҳбатдан ўтказилди.

Оромгоҳларда дам олувчилар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан маданий-оммавий спорт тадбирларини ўтказиш бўйича дастурлар қабул қилинди.

Вилоятда ўтказилаётган «Мактаблар куни» тадбири муносабати билан барча мактабларнинг моддий-техника базаси яхшиланди. Мактаб олди оромгоҳлари учун сўлим масканлар танланди. Оромгоҳларда болаларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказиш ва ҳунар ўргатиш мақсадида амалий ва тасвирий тўгараклар, шунингдек, компьютер саводхонлиги бўйича махсус дастур тузилган.

Барча оромгоҳларда жамоат тартиби ва болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимларидан доимий навбатчиликлар ташкил этилган.

Болаларнинг сермазмун дам олишлари учун видеофильмлар намойиш этилади, С. Айний номли мусиқали драма ва қўғирчоқ театрлари ўзларининг ранг-баранг асарлари билан маданий хизмат кўрсатишади.

Ундан ташқари маданий ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказилиб борилади. Оромгоҳларда алоҳида компьютер хоналари, кўчма кутубхоналар ташкил этилган.

**Мақсуд ШУКУРОВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**



Якунланаётган ўқув йилида вилоятда 5 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Шулардан бири Пешку туманидаги Афшона тиббиёт коллежидир. Бу ерда ёшларимизнинг етук мутахассис бўлиб чиқишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

**Суратда: коллеж талабаларининг замонавий турар-жойи.**



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи — вилоятнинг иқтисоди бақувват корхоналаридан бири. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-мутахассисларнинг меҳнат ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш борасида ғамхўрликни кучайтириб келмоқда. Кейинги йилларда бу ерда юзлаб замонавий турар-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан нафақат завод жамоаси, балки Қоровулбозор тумани аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**Суратда: жорий йилда ишчилар шаҳарчасида фойдаланишга топширилган янги ҳаммом биноси.**

### Кўриб ҳаваcланамиз

**«Мингчинор» оромгоҳи Жилвон чўли бағридаги қуюқ дарахтзор билан қопланган баҳаво ҳудудда жойлашган. Ғир-ғир эсаётган шабада, тоза ҳаво, шарқираб оқаётган «Жилвон» канали, ям-яшил дов-дарахтлари киши қалбига ором бағишлайди.**

## ЧЎЛ БАҒРИДА БЎСТОН

15 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳ ҳудуди саранжом-саришта, гуллар билан зийнатланган. Фарзандларини кўришга келган ота-оналар учун алоҳида айвонлар ташкил этилган. Шунингдек, турли спорт майдончалари, арғимчоқлар болажонлар ихтиёрида.

— Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб, миллий истиқлол ғояларига, умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишидир, — дейди оромгоҳ директори Камол Шарипов. — Бу вазифа умумтаълим муассасалари қатори бизга ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳақиқатан ҳам болаларнинг оромгоҳларда кўнгилли дам олишлари учун барча маърифий, тарбиявий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган кўп болали оила фарзандлари бепул дам олиши таъминланади. Касалманд болалар учун алоҳида 16 ўринли тиббий шохобча ташкил этилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга бу ерда турли муолажалар олиш имконияти яратилди. Саломатлик муассасаларини турли тиббий асбоб-ускуналар ва малакали педагоглар билан таъминлашни марказий шифохона зиммасига олган.

Айниқса, дам олиш масканидаги «Маънавият» хонаси барчанинг эътиборини тортиши табиий. Бу ерда кундалик матбуот нашрлари жамланмаси, лотин ёзувида чоп этилган бадиий адабиётлар, бахтиёр боликни тараннум этувчи фотосуратлар ўрин олган.

**Лутфия НАБИЕВА**

### Спорт

***Кейинги йилларда мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан қишлоқ жойларида спорт иншоотлари бунёд этилаётгани, айниқса, ёшларнинг жисмонан чиниқишлари учун эътиборнинг оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда вилоятда 3234 та спорт иншоотлари бўлса, шунинг 2687 таси қишлоқ жойларида фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактаблари, муассаса ва ташкилотларда, касаба уюшмалари, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларидаги спорт секцияси ҳамда бўлимларида шуғулланувчилар сони 189307 нафарни ташкил этса, шуларнинг 139431 нафари қишлоқ аҳолисидир. Ёки соғломлаштирувчи гуруҳлардаги шуғулланувчиларнинг 4986 нафари қишлоқ жойларидаги машғулотларда қатнашмоқда.***



## МАҲОРАТ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

Вилоятда маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли 9 та, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг 2 та, халқ таълими бошқармасига қарашли 35 та спорт мактаби фаолият юритиб келаяпти. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётганларнинг 78500 нафари хотин-қизлардан иборат.

Вилоят ҳокимининг қарори асосида спорт мактаблари компьютерлар билан таъминланиб, электрон почта ўрнатилди, моддий-техника базаси яхшиланди. Дастур бўйича шаҳар ва туманларда 28 та федерация очилди. Унутилиб борилаётган халқ ўйинлари, миллий урф-одатлар ва қадимий анъаналаримизни тиклаш мақсадида кўпкари, хўроз-хўроз ўйинлари ташкил этилди.

Бошқарма тизимидаги спорт иншоотлари аҳволини ўрганиш, уларни керакли жиҳозлар, ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланишини яхшилаш мақсадида «Энг намунали спорт мактаби» кўрик-танловининг баҳолаш мезони ташкил этилиб, ҳар олти ойда фаолияти тўлиқ ўрганилиб, натижалар сарҳисоб қилинмоқда. Амалий ёрдам кўрсатилиб, кемтиклар ўрни тўлдирилмоқда. Соҳа мутахассислари малакасини оширишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳам чакки эмас. Вилоят ва мамлакат биринчиликлари, оммавий югуриш марафонлари, вилоят ҳокими соврини учун кураш турнири, «Бухорономa» ва «Бухарский вестник» газеталари анъанавий эстафета мусобақалари ҳамда бошқа соғломлаштириш тадбирлари омманинг спортга қизиқишини оширмоқда.

Шу йилнинг ўтган беш ойида вилоят спортчиларидан 96 нафари Ўзбекистон чемпиони, 17 нафари Осиё ва Марказий Осиё чемпиони, 3 нафари жаҳон чемпиони, 16 нафари халқаро турнирлар ғолиби бўлишди. Ушбу натижаларнинг ўзи ҳам вилоят спортчиларининг маҳорати ошиб бораётганлигини, уларнинг ва мураббийларнинг юксалиш сари дадил қадам ташлаётганлигидан далолатдир.

Фикримизнинг исботи учун айрим далилларга эътибор қаратамиз. Апрел ойида Германиянинг Берлин шаҳрида ёшлар ўртасида шашка бўйича ўтказилган нуфузли мусобақада Гулсумбегим Алиева биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлди. Шу беллашувда унинг укаси Саидқосим Алиев иккинчи, Нурали Раҳматов эса фахрли бешинчи ўрин соҳиби бўлди. Термиз шаҳрида кураш бўйича фахрийлар ўртасида Нурмуҳаммад Юсупов, Ғайбулла Абдуллаевлар ўз вазн тоифаларига кўра олтин медалларни қўлга киритдилар. Уларнинг яна етти нафар сафдоши иккинчи ва учинчи поғонадан жой олдилар. Эркин кураш бўйича Навоий шаҳрида бўлиб ўтган республика ва Осиё чемпионатида иштирок этган бухоролик Ойбек Камолов, Акмал Ҳамроев, Субҳон Тошпўлатов ва Амирхон Мирзаевлар барча рақибларидан устун келиб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Фаолиятимизни давр талаблари даражасига кўтариш учун белгиланган кенг қамровли тадбирларимизни изчиллик билан давом эттираяпмиз, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — Токи, мамлакатимиз спортчиларининг довруғи дунё бўйлаб янада кенгроқ ёйилиб, бунга бухороликларнинг муносиб улуши қўшилаверсин.

**И.ТЎРАЕВ**

**Қўш саҳифани «Ishonch» мухбирлари Амина ҚОДИРОВА ва Иззатулла ҲОЖИЕВлар тайёрлашди**

## «Жамият ва мен» танловига

**— Раҳимбой ота, сиз билан талабаларимиз учрашувини ташкил қилмоқчи эдик, — қўнғироқ қилди Урганч тиббиёт коллежи директори.**

**Раҳимбой ота бу таклифга бажонидил рози бўлди. Ахир у ёшларни яхши кўради. Улар билан суҳбатлашса, дили яйрайди. Қолаверса, уларга иккинчи жаҳон уруши ҳақида гапириб, бугунги тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.**

**Навбатдаги учрашувга ота пухта тайёргарлик кўрди. Болалиги бир-бир кўз олдида гавдаланди.**

# ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Раҳимбой Қозоқов 1925 йил 10 апрелда Урганч туманининг Охунбобоев жамоа хўжалигида ишчи оиласида дунёга келди. Эсини таниб-танимай қўлига кетмон олиб, далага ишга отланди. Ўша кунларни эсласа, қаварган қўллари кўз олдида гавдаланади.

— Сиқилма, ўғлим, — дерди отаси. — Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Ҳаётим сермазмун кечсин, десанг, ўқи, илм ўрган.

Отасининг бу насиҳати хотирасига бир умрга муҳрланди. Мактабни яхши баҳоларга тугатди. Аммо... орзуларга берилишга имкон йўқ эди. У 8-синфда ўқиб юрганида уруш бошланди. Бу хабар миллионлаб юртдошлари сингари унинг қалбини ҳам ларзага солганди. Отаси ишчи батальонга, акаси жанг майдонига отланди. «Мен ҳам жангга бораман, босқинчиларни ер тишлатаман». Вужудини ана шу истак тинч қўймасди. Мактабни тамомлаб, 1943 йили урушга отланди. У кунлар ёдига тушса, боши узра визиллаб учаётган ўқлар, танкларнинг суронли овози, самолётлар саси қулоқлари остида жаранглагандай бўлади. Ажал ўқлари уни ёру биродарларидан, отасидан, акасидан айирди.

Раҳимбой ота Румыния, Полша, Венгрия, Австрия ва Чехословакияни босқинчилардан халос қилишда иштирок этди. Урушдан сўнг Венада ҳарбий хизматни давом эттирди. 1948-50 йилларда хизматни Москвадаги авиация ҳарбий қисмида давом эттирди.

Ниҳоят, 1950 йили она юртига қайтиб келиш бахтига мушарраф бўлди.

Саккиз йил давомида кўрган-кечирганлари унинг ҳаётга муносабатини ўзгартирганди. У ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш керак деб ҳисоблар, бошқаларга ҳам буни тушунтиришга ҳаракат қиларди. Бир муддат Урганч туман ёшлар ташкилотида ишлади. Умрининг кейинги ўттиз йили эса «Автомактаб»да кечди. У ҳар доим зиммасидаги вазифани масъулият билан, виждонан бажаришга интилди. Атрофдагилардан ҳам шуни талаб қилди. Ҳар доим янги ташаббуслар билан чиқиб, уларни амалга оширишга бош бўлди. Хизматлари эвазига қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Раҳимбой отанинг нафақага чиққанига 24 йил бўлди. У уйида ўтиришни ўзига эп кўрмади. Яна етти йил ўз касбини давом эттирди. Айни пайтда ота жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг халқ маслаҳатчиси.

— Қора курсида ўтирган инсонларга ачинаман, — дейди бу ҳақда гапираркан Раҳимбой ота. — Улар тинч ва осуда ҳаётнинг, дориломон кунларнинг қадрига етмайдиган ношуд кимсалар. Уларнинг ёшлиги менда бўлсайди, деб қўяман. Ахир ҳаёт инсонга бир марта берилади. Бундай мустақил юртда яшаш, кенг имкониятлардан фойдаланиш миллионлаб ота-боболаримизнинг армони. У бизга насиб қилган экан, бундан фахрланишимиз, турмушимизни янада фаровон қилиш учун интилишимиз зарур. Ҳаётимизни яхшиликлар билан безайлик, савоб ишларга қўл урайлик, ёмондан, ҳаромдан ҳазар қилайлик.

Раҳимбой ота фронтда бирга жанг қилган, эндиликда ҳаётни тарк этган дўстлари Сотим Нурматов, Саид Оллаберганов, Юсуфбой Шержонов, Раҳимбой Каримов, Отаназар Мадраҳимовлар номини ҳурмат билан тилга олди. Уларнинг урушда кўрсатган жасоратлари, кейинчалик халқ фаровонлигини ошириш йўлида қилган фидокорона меҳнатлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ёшларни бундай инсонлар ҳаётидан ибрат олишга, улар каби ҳаётни севишга, ватан, эл-юрт учун хизмат қилишга чорлади.

— Мен компьютер деган нарсани пенсияга чиқиб кўрдим, — деди отахон яна. — Ишлатишни билмайман. Лекин 4-5 яшар болакайлар буни эплашига ҳавасим келади. Янгидан қурилаётган мактабларга, коллежларга қараб кўзим қувонади. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш сиз учун бир мажбурият бўлиши лозим. Вақтингизни беҳудага сарфламанг. Илму ҳунар ўрганинг.

Отахоннинг сўзларини талабалар мароқ билан тингладилар. Ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Учрашув барчада катта таассурот қолдирди.

Раҳимбой Қозоқов уйига отланаркан, ёшлигига қайтгандай бўлди. Янги ўйлар оғушига чўмди. Энди у Урганч Давлат университетида бўладиган учрашувга ҳозирланиши керак.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири**

---

**Мамлакатимиздаги спорт ва маърифат масканларидан бири — Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи бугун янада кўпроқ зиёга тўлгандек.**

**Чунки бир неча кундан буён бу ерда мамлакатимиздаги Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва Фанлар академияси илмий ходимлари ўртасида иккинчи республика спартакиадаси бўлиб ўтмоқда.**

## Спартакиада

# АЖОЙИБ СПОРТ — СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАДБИРИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида тузилган тармоқ келишуви асосида ташкил этилган мазкур мусобақада зиёкор спортсеварлар стритбол, шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича ўз омадларини синаб кўришмоқда.

Баҳсларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясидан 150 нафарга яқин иштирокчилар ташриф буюришганини эслатиб ўтиш жоиз.





— Мен, Гулнора Зуннунова Тошкент кимё ва технология институтида ўқитувчиман, — дейди биз билан суҳбатда спартакиада иштирокчиларидан бири. — Мусобақаларда иккита спорт туридан, шашка ва армрестлинг бўйича иштирок этяпман. Ташкилотчилар бизни яхши кутиб олишди. Спорт мусобақаларидан ташқари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳисобидан «Бўстон» санаторийсида соғломлаштириш муолажаларини оляпмиз. Демак, бизда нафақат қизиқарли спорт мусобақаларида қатнашиш, балки, ажойиб ҳордиқ чиқариш имконияти ҳам бор.

Бундай тадбирларнинг иштирокчиси бўлиш барчага ёқимли ва фойдали, деб ўйлайман...

Шу кунларда профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар ўртасидаги спорт беллашувлари қизғин паллага кирган. Спартакиада 8 июн куни якунланади.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

---


## «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»
## ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**2007 йил 10, 13, 17, 20, 24, 27 июл** кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 7-уйда жойлашган ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзулгуржисавдо»нинг биносида, объектнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран тугатилаётган «Ўзбектўқима» ИЧБ балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. Авт. КАВЗ-3271 русумли, д\р 32-48 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 1846440 сўм.

2. Авт. КАВЗ-3271 русумли, д\р 32-47 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 1846440 сўм.

3. Авт. ЛАЗ-695Н русумли, д\р 97-13 ТНА, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 6618150 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг Тошкент шаҳар, С. Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзулгуржисавдо» биноси, 4-қават, 428-хона.**

**Маълумот учун телефон-факс: 142-43-97.**


---

**Самбо бўйича ўтказилган фахрийлар ўртасидаги республика чемпионатида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бош мутахассиси Зайниддин Ўринбоев ҳам қатнашиб, ўз вазни доирасида ғолибликни қўлга киритгани ҳақида аввал хабар бергандик.**

## ҲАМКАСБЛАР ҚУТЛОВИ

Яқинда З. Ўринбоевни ҳамкасблари — Марказий кенгаш ходимлари табриклаб, унга эсдалик совғалари топширишди. Шунингдек, Зайниддин полвонга фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам муваффақият қозонишига тилак билдирдилар. Ушбу маросимда сўзга чиққан Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров кенгаш қошида ташкил этилган «Саломатлик» гуруҳи фаолиятини янада жонлантириш, бу гуруҳга кўпроқ касаба уюшмаси ходимларини жалб қилиш ва республика миқёсида ўтказиладиган спорт турлари бўйича мусобақаларга, спартакиадаларга жиддий тайёргарлик кўриш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Дилнавоз АҲМЕДОВА**

---

(Боши ўтган сонларда)



## Алишер ИБОДИНОВ
# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...
(Қисса)

— Тоҳир! Даданг келмади-я... Негадир кўнглим ғаш... Эрта саҳар бежо тарзда чиқиб кетувди-я...

— Хавотир олманг, ая! Юргандир бирор жойда...

...Тонг отди. Моҳигул туни билан мижжа қоқмади ҳисоб. Саҳарда дадасининг кўп қаватли уйдаги квартирасига борган Тоҳир у ернинг ҳам бўшлигини айтди. Орадан уч кун ўтиб, у Солиҳа билан ҳам учрашди. Жимжитлик. Солиҳа ҳеч нарсани билмас экан. Узоқ-яқин кишиларга қўнғироқ қилинди. Россиядаги танишлар, ҳамкорлар йўқланди. Таассуфки, Бекмирза сувга чўккан тошдай дом-дараксиз эди. Орадан икки-уч ой ўтгач, ноилож милицияга ҳам мурожаат этишга мажбур бўлишди. Белгиланган муддат тугаб, суриштирув ишлари ниҳоясига етгач, милиция қидирув эълон қилди... Шу билан Бекмирза отлиғ дуп-дуруст, тирик одам милиция ҳужжатларида-ю, яқинлари қалбида яшаб қолди, холос...

Солиҳа Тоҳирдан отасининг дом-дараксиз йўқолгани ҳақидаги хабарни эшитди-ю, ўзини тутолмади. Кўз олди қоронғулашиб, аста стулга ўтириб қолди.

— Нега?.. Нима бўлди?

— Ҳайронмиз, опа... Ҳеч нарса деганлари йўқ... Тонг саҳарда отни минди-ю, чиқиб кетди...

— Уч кун бўлди денг...

— Ҳа, опа, уч кун илгари...

Уч кун илгари! Бу сўзлар Солиҳанинг юрагига ханжардай қадалди. Уч кун илгари! Ҳа, ҳаммаси тўғри — уч кун илгари, кечқурун телефонда Солиҳа... жуда қўпол гапирган, ўғлини пеш қилиб, гўшакни шартта жойига ташлаб қўйган, ҳатто хайрлашмаган ҳам эди Бекмирза билан! Эҳ, фаросатсиз, нодон, аёл, сен нима қилдинг, нима қилиб қўйдинг! Ахир, билардинг, Бекмирзада сендан бошқа ҳеч нарса, ҳа ҳеч нарса йўқлигини! Ўзингда-чи? Сенда ҳам нима бор, ахир Бекмирзадан ўзга! Бор будидан айрилган, шир яланғоч одамга тубсиз сув қаърига чўкишдан айро йўл ҳам борми?

Шу куни у Тоҳирга нима деди, ишхонада ўзини қандай тутди — билмайди. Кўзини очса шаҳар паркида, илк баҳор ёмғирлари ювган йўлакларда кезиб юрган экан... Улар бу йўлакларда ҳеч қачон қўлтиқлашиб кеза олмаганлар, ҳеч қачон манави арғимчоқларда қийқириб уча олмаганлар... Улар бир-бирларига бўлган ҳиссиётларини ўзларидан ўзга одамга ошкор қила олмаганлар...

«Бекмирза ака... Бекмирза ака... Мени кечиринг... Биламан, сиз тириксиз... Қаердадир борсиз, ҳаётсиз! Бошқа фикр менда йўқ... Чунки... Сизнинг дунёда йўқлигингиз исботланган куни бу дунёнинг менга ҳам ҳожати қолмайди...»

Шу кундан бошлаб у ишга ўз вақтида келар, топшириқларни бажарар, кечки пайтда фақат уйга қайтар, онасига, ўғлига айтилиши керак гапларни айтар, эшитиши лозим фикрларни эшитар ва... ўз ўрнига биқиниб тонггача ярим уйғоқ, ярим ухлоқ ҳолатда ётар эди... Вақт эса ҳар доимгидай на унинг, на дунёдаги бошқа бирор жонзотнинг на қайғуси, на қувончига парво қилар — у фақат олға елар ва елар эди, холос...

Шундай кунларнинг бирида тонг саҳарда телефон жиринглади. Солиҳа худди шу қўнғироқни пойлаб ётгандай сапчиб ўрнидан турди ва гўшакни қўлга олди.

— Алё...

Гўшакдан кимнингдир оғир нафас олиши эшитилди...

— Бекмирза ака! Гапиринг! Биламан, бу сиз! Чунки, ҳаёт эканингизга бир зум ҳам шубҳа қилганим йўқ. Мени кечиринг! Кечиринг мени, акажон! Жоним, юрагим, султоним...

Солиҳанинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, овози титрар эди... Лекин нариги томондаги одам индамай гўшакни жойига қўйиб қўйди...

Солиҳа гўшакни ўрнига ташлади-ю... қувончдан қийқириб юборди! Ҳа, бу Бекмирза, унинг ўзи! У ҳаёт! У қаердадир яшаяпти! Солиҳа ўз хонасида «Тановор»га ўйнаб кетди. Хонадаги безовталикни сезиб, ичкарига кирган она кўзларидан ёш оққан ҳолда рақсга тушаётган қизини кўриб донг қотиб қолди...

Орадан бирор ҳафта ўтгач, ишхонага Тоҳир кириб келди.

— Орадан бир йил ўтди, опа! Энди... Бирор маросим қилсакми, деб...

— Йўқ! Йўқ! Тоҳиржон, отангиз тириклар, тирик! Асло ёмон фикрга борманглар.

Солиҳа кимдир тонгда қўнғироқ қилгани, гапирмаган эсада, лекин у одам Бекмирза эканлигига иймони комиллигини айтди.

— Наҳотки! Тилингизга шакар, опажон! Ажаб эмас, ўша одам дадам бўлса!

— Аниқ бу! Ўша одам — Бекмирза ака!

* * *

Икки кундан буён чап кўкраги симиллаб оғриётган эди, кечки пайт ўзини жуда беҳол сезди. «Юрагим бақувват эди, йўқ, юрак бўлмаса керак... Балки бўғимлар, балки асаб...», дея ўзини юпатди у. Эрталабгача гоҳ кўз кетиб, гоҳ ҳушёр ётди. Аҳволи ўнгланмади. Чала-чулпа нонушта қилган бўлди-да, яқин атрофидаги поликлиникага йўл олди.

Кардиолог врач у ёққа буюрди, бу ёққа буюрди, хуллас тушгача у юрак фаолиятини обдон текширтириб, тегишли таҳлилларни қўлга олди-да яна кардиолог ҳузурига кирди.

— Ҳа-а, — дея маъноли оҳангда гап бошлади врач таҳлилларни обдон кўздан кечиргач. — Юрак чарчабди, ака... Бироз дам бермасангиз иложи йўқ...

(Давоми бор)

---


**Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Ko'chmas mulk axborot markazi» МЧЖнинг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи БЕКОР ҚИЛИНСИН.**


## Ҳикмат

*Чинакам бахтиёр бўлиш учун қуйидаги хислатлар лозим: илмдан орттирилган фазилат, ташқи кўринишдан топилган ҳақиқат, ақл туфайли ҳосил қилинган феъл-атвор, молу мулкдан зиёда саломатлик.*

---


RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

**Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/13255-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шаҳар, Миршарипов кўчаси 28-уй манзилида сақланаётган, «М-412» русумли, давлат рақами 11 AI 147 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 180 000 сўм.**

2. Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/13255-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани Келес шаҳар, Миршарипов кўчаси 28-уй манзилида сақланаётган «УАЗ-3303» русумли, давлат рақами 11 AJ 765 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 250 000 сўм.**

3. Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/13255-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шаҳар, Миршарипов кўчаси 28-уй манзилида сақланаётган, «УАЗ-452» русумли, давлат рақами 65-72 ТШЛ бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 250 000 сўм.**

4. Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/13255-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти Тошкент тумани Келес шаҳар, Миршарипов кўчаси 28-уй манзилида сақланаётган, «ИЖ-2715» русумли, давлат рақами 76-20 ТШС бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 180 000 сўм.**

5. Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 21 февралдаги 11-0605/8956-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Янгийўл тумани, У.Мусаев қ.ф.й. ҳудудида жойлашган «ASIAN BRIKS» МЧЖга тегишли таъмирталаб бўлган. Ғишт ишлаб чиқариш кичик заводи, «Т130» русумли, давлат рақами ЕК 07-40 бўлган, техник соз бульдозер ва металлом.

**Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 10, 17, 24, 31 июл ва 7 август кунлари соат 11.00. да, ушбу автотранспорт воситалари, кўчмас мулк объекти ва техника воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари, кўчмас мулк объекти ва техника воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.**

**Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.**

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz.
Лицензия: DB 001 №000004


---


Sportlotto 6/36
300-тираж якуни
61 000 000 jackpot
22 12 26 31 18 33
6 та рақам - йўқ
5 та рақам - 2 та - 598140 сўмдан
4 та рақам - 105 та - 9600 сўмдан
3 та рақам - 1063 та - 600 сўмдан
Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС). Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

Sportlotto 7/35
113-тираж якуни
26 000 000 jackpot
7 9 34 24 27 22 8
7 та рақам - йўқ
6 та рақам - 2 та - 400000 сўмдан
5 та рақам - 39 та - 12000 сўмдан
4 та рақам - 524 та - 1200 сўмдан
3 та рақам - 3520 та - 400 сўмдан
Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС). Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади. Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54



МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ



Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов



Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - М.Мўминова
Мусаҳҳиҳ - Д.Раҳмонова

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 514

Тиражи: 16558

2 3 4 5 6